

## **ҲАРОРАТ ИФОДАЛОВЧИ СИФАТЛАРДА МАЗМУНИЙ СИНКРЕТИЗМ**

**Тожиев Олимжон Мўйдинович**

филология фанлари номзоди, доцент

Андижон давлат университети

***Аннотация:** Ушбу мақолада ҳарорат ифодаловчи сифатларда таъм белгисини юзага чиқишида синестетик метафоранинг ўрни кўрсатилади.*

***Калим сўзлар:** прибор, визуал, исинестезия, метафора, метонимия, когнитив, лингвокултурология, прагматик.*

***Аннотация:** В этой статье показано, как синестетические метафоры, такие как вкус, можно использовать для качественного выражения температуры.*

***Ключевые слова:** инструмент, зрительное, синестезия, метафора, метонимия, когнитивная, лингвокультурная, прагматика.*

***Annotation:** This article examines the concept of tolerance and generosity linguistically as a component of the culture of each nation. The linguistic and theoretical foundations of tolerance are analyzed.*

***Keywords:** tolerance, philosophy, psychology, political science, dignity, respect, verbal, non-verbal.*

Оламни билиш нуқтаи назаридан қаралганда ҳароратнинг маъносини англаш икки ҳолатда юз беради. Гап шундаки, биринчи ҳолат физик ҳолат бўлиб, махсус ҳарорат ўлчовчи прибор (термометр)лар ёрдамида аниқланади. Иккинчи ҳолат инсоннинг сезгилари ёрдамида идрок этилувчи ҳароратнинг воқеланишидан иборат бўлади. Ҳар икки ҳолатда инсоннинг роли муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Албатта, ҳар икки ҳолатда ҳам ҳароратнинг доимо ўзгариши кузатилади. Бироқ ҳароратнинг ўзгариб туришини аниқовчи икки муҳим омил мавжуд. Ҳароратнинг физик ўзгаришини юқорида қайд этганимиз прибор (термометр) аниқлайди. Бунда целсий ўлчами бўйича белгиланади. Тил нуқтаи назардан сўз туркумлариининг когнитив, прагматик, коннотатив, лингвокултурологик маънолари ҳароратнинг семантик майдонини белгиловчи лингвистик тамойиллар асосида белгиланади. Яъни, ҳароратнинг даражаланиши тилдаги лексик бирликлар билан ифодаланади. Сўз туркумлари орасида сифат сўз туркумининг ҳарорат+кўрув таъм белгисини метаномик ва метафорик ифодалаши алоҳида ажралиб туради. Албатта, бу жараёнда ҳарорат белгисини ифодаловчи сифатларнинг синонимларини иштрок этиши эса мантга услубий бўёқ беради. Лексик семантик груҳлар орасида предметнинг

ташқи белги хусусиятларини билдирувчи (тақир, хатарли (қалтис), суллоҳ, дағал, ғадир-будур) сингари тактил сифатлари кўпроқ. Лексик маъно одатда тактил–визуал синестезия (ғадир-будур тери)да, мажозий бўлган дағал ва ғадир–будурдан ташқари ҳамда синестетик бўлмаган метафоралар билан ҳам боғлиқ нмаён бўлади. Одатда хатарли, қалтис (қалтис инсон) сифатлари баҳо тасвирини ифодалайди. Бу жиҳатдан, сифатнинг сўз бирикмалари таркибида бўлиши ва сўзлар билан ўзаро жипс боғлиқ мотивациялашуви метафорик синкретизмни юзага келтиради.

Ҳарорат ифодаловчи лексик семантик гуруҳлар таркибида паст ва юқори ҳарорат белги–хусусиятини билдирувчи сўзлар мавжуд. Ҳарорат белгисини билдирувчи совуқ сифатининг ўзагида паст ҳароратни англатувчи музли, аёзли, қаҳратон синонимлари қўлланилиши мумкин. Гап шундаки, биринчидан, совуқ сув, совуқ чакмон, совуқ хона бирикмалари тўғридан тўғри ҳарорат белгисини ифодалаши билан “совуқ “ лексик семантик вариант билан билвосита боғланади. Иккинчидан, совуқ семасининг билвосита таъм билан боғлиқ маъноси совуқ чой, совуқ ош, совуқ газак сингари бирикмаларда акс этиб, лексик-семантик синестезияни ифодалайди.

Метаномик кўчиш орқали номлар ўртасида сабабий боғланиш юзага келади, яъни совуқ тақик, совуқ иқлим, совуқ қараш сингари лексик семантик вариантлар воқеланади. Бу жараёнда семантик синкретизмнинг алоҳида кўриниши юз беришини англашимиз мумкин. Шунингдек, совуқ лексемасининг метаномик кўчиш билан боғлиқ лексик семантик вариантлари тилимизда кўплаб учрайди. Булар тилимизда кўпроқ сифат жиҳатидан эмас, балки нисбий лексик семантик вариантлар сифатида воқеланади. Совуқ одам ва совуқ қарор бирикмалари лексик семантик вариантлар ҳисобланиб мажозий метафорик маънони ифодалайди, кўп қиррали эмприк сема (паст ҳарорат белгиси) орқали қабул қилинади ва ҳиссий баҳолашнинг ижтимоий-психологик хусусиятига айланади. Демак, эмпирик ва рационаллик семантик синкретизмда кенг номаён бўлади.

Ҳарорат ифодаловчи сифатларнинг асоси сифатида юқори ҳарорат белгиси ҳам кўрсатилади. Юқори ҳарорат белгиси иссиқ лексемасида ифодаланади. Иссиқ лексемаси ўзида жазирама (ловуллаган), жуда иссиқ (куйдирадиган), ҳароратли (эхтиросли), чўғли (ўта иссиқ) семаларини бирлаштиради. Ҳарорат-таъм лексик маъносини билдирувчи иссиқ, жуда иссиқ лексемаси нутқий жараёнда озиқ-овқат маҳсулотлари иссиқ овқат (шўрва, чой, кофе) синестезиясини намоён қилади. Метаномик маъно лексик семантик вариантлар “иссиқ (шўрва)” даражасида ўз маъносида (таомлар тайёрлаш орқали ҳарорат ифодаловчи номлар) тактил-таъм синестезия кўринишига эга бўлади. Иссиқлик маъносини ифодаловчи сифатлар ўз

маъносидан ташқари тактил-ранг синтезия (иссиқ ранг/тасвир)ни ҳам акс эттиради. Шу билан бирга, қайноқ, жазирама, жуда иссиқ, ҳароратли, чўғли сингари лексемаларнинг иккинчи маъноси доимо синестетик бўлмаган психологик ҳолатлари метафорик кўчиш (иссиқ /ҳароратли қараш, қайноқ ҳиссиёт, илиқ таассурот) билан ўзаро боғлиқ юзага чиқади.

Англашиладики, оламнинг лингвистик манзараси тасвирида ҳарорат билан боғлиқ метафоралар фаол иштирок этади. Бундан шуни англаш мумкинки, ҳарорат билан боғлиқ метафорик ҳодисаларни англаувчи семантик доира ва қаторнинг мавжудлигидир. Семантик қатор ўз навбатида икки муҳим тушунча ҳиссиёт ва сезги асосида аниқланади. Бу асосда эса метафорик моделлаштириш юзага келади. Албатта, сифат лексемаси оламнинг лисоний тасвирини яратишда метафорик усул ва моделларининг намоён бўлишини билан тавсифланади.

Ўзбек тили материалларида ҳам ҳарорат билан боғлиқ сифатларнинг ўзига хос маъно қирралари мавжуд бўлиб, ҳарорат+таъм белгисини билдирувчи сифатларнинг лексик –семантик белгилари асосида тематик гуруҳларга ажратиш долзарб эканлигини белгилайди. Албатта, таҳлил жараёнида ҳарорат белгисини билдирувчи сифатларнинг метафорик хусусиятлари билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиш ва семантик воқеланишига алоҳида аҳамият беришни тақозо этади. Демак, тилшунослик нуқтаи назардан ҳарорат белгисини билдирувчи сифат лексемалари турли предмет ёки объектлардаги эмоционалликни структур–семантик, когнитив, лингвокультурологик жиҳатларига тўхталишни тақозо этади. Бунда ҳарорат белгисини ифодаловчи иссиқ ва совуқ семаларининг интеграл ва дифференциал семалари матн таркибида муҳим аҳамият касб этади. Юқоридаги фикрлардан англаш мумкинки, бошқа тиллар қатори ўзбек тилида ҳам ҳарорат+таъм белгисини ифодалашда сифат лексемаларининг лексик – семантик гуруҳлари мавжуд ва ўзига хос когнитивлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Демак, сифат лексемасининг ҳарорат билан боғлиқ иссиқ ва совуқ семаларинининг лисоний тасвири метонимик ва метафорик хусусиятлар асосида ёритилади. Биринчи ҳолатда ҳарорат белгиси қишнинг совуқ кун, ёзнинг иссиқ кун сингари бирикмаларида ўз ифодасини топади. Биринчидан, ҳароратнинг аниқ белгилаш фасллараро ўзгариб туриши инсон сезгилари ва идроки фаолияти билан, иккинчидан, ҳароратнинг турли вазият билан ўзгариши ўзига хос мослама ёрдамида аниқланади. Масалан, совуқ кун, иссиқ об-ҳаво, совуқ қиш, иссиқ ёз сингари. Кейинги ҳолатда субъект ва объект ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг инсон ҳиссиёти ва сезгиларига ижобий ёки салбий таъсири натижасида синестетик метафора юз беради. Масалан, совуқ муомала, совуқ қараш, совуқ овоз, иссиқ нафас, иссиқ бағри сингари.

Биз ҳам бошқирд тилшуносларининг ҳарорат белгисини ифодаловчи сифатларнинг турли моделларини кўрсатувчи фикрлари асосида ўзбек тилшунослигида ҳам шундай моделларни шакллантиришимиз ва миллий менталитетга хос бўлган хусусиятларини очиб беришни амалга оширишимиз мумкин бўлади.

Ҳарорат+таъм белгисини англатувчи сифат лексемаларни ўзбек тили материаллари асосида лексик –семантик ассоциатив груҳларга ажратиш лозим. Бу ассоциатив гуруҳларда совуқ ва иссиқ семалари метафорик моделларда мавҳум (яширин) маъноси воқеланади. Албатта, ҳарорат+таъм маъносини билдирувчи сифатлар юқорида қайд этганимиздек бадиий матнлар ва оғзаки нутқий фаолиятимизда кўп учрайди.

Шундай қилиб, ўзбек тили материалларини ўрганиш ва таҳлил этишда ҳарорат-таъм билдирувчи сифатларнинг турли маъно ўзгаришларига синестетик ҳодиса сифатида эътибор қаратдик.